

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ, ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИ БИЛАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛАИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЯНГИ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мамасолиев Н. С.

Асқаров И. Р.

Хақимов Н. С.

Қаландаров Д. М.

Андижон давлат тиббиёт институти

**Долзарблиги**

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ва Президент Ш.М.Мирзиёевнинг бошқа қатор Қарор ва Фармонларида анъанавий тиббиётни халқ табобатининг усуллари билан мақсадли ва самарали тўлдиришнинг янги йўналишларини яратиш ҳақида амалий фаолиятга жорий қилиш масалалари долзарб илмий ва амалий мавзу қилиб белгиланган. Ўсимликлар асосида янги дори препаратларни яратиш ва излаб топиш ҳаракати, фармакологик фаоллиги кўламли ва иқтисодий мақбул бўлган, айниқса, гепатитларни даволаш учун - давом этдирилмоқда. Халқ табобатини замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш давомида аён бўлдики, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий ишлар натижасида янги даволовчи воситалар ишлаб чиқилган.

**Изланиш мақсади.** Сурункали гепатитлар анъанавий фармакотера-пиясининг замонавий имкониятларини, халқ табобатининг даволаш усуллари билан мақсадли ва самарали тўлдириш.

**Изланиш материаллари ва усуллари.** Клиник тадқиқотлар клиник шифохонада (Андижон давлат тиббиёт институтини ўқув базаси), “Олтин водий табиати” М.Ч.Ж. (Жалақудуқ туманида) ва “Интернист Шифо” ХК (Андижон шаҳри) шифохоналарида даволанган беморларда ўтказилди. Текширув база-ларида даволанган 18 дан 75 ёшгача бўлган 40 та сурункали гепатит билан беморларда, профессор И.Р.Асқаров томонидан халқ табобати соҳасида яратилган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, “Аскальций”, “Шифои Мархабохон” ва “Асшифо” табиий озиқ-овқат қўшилмалари (ООҚ) қўлланилди ва уларнинг самардорлиги ўрганилди. Барча популяцияда клиник, биокимёвий, инструментал текширувлар ва таҳлиллар ўтказилди.

**Изланиш натижалари.** ООҚ (“Аскальций”, Шифон Мархабохон” ва “Асшифо” препаратлари) даво курси қўлланилгандан кейин, гемоглобинни 7,4 фоизга ўсиши

кузатилди, эритроцитлар миқдори 6,6 фоизга ошган, лейкоцитлар миқдори 2,4 фоизга ва ЭЧТ – 10,8 фоизга камайган.

Шундай тенденция қоннинг биокимёвий кўрсаткичларида ҳам тасдиқ-ланди. Олинган натижалар тахлили ишончли тасдиқладики, ООҚ фойдаланил-гандан сўнг, биокимёвий кўрсаткичларни қуйидагича ўзгаришлари тасдиқ-ланган: 1) Умумий қон тахлиллари натижалари кескин яхшиланган; 2) АСТ 13,8 фоизга пасайган; 3) АЛТ 6,1 фоизга пасайган; 4) умумий билирубин 9,2 фоизга камайган; 5) умумий оқсил статистик сезиларли даражада 7,9 фоизга ошган ( $P < 0,05$ ).

### Хулоса

Сурункали гепатитларни даволашда, “Аскальций”, “Шифои Мархабохон” ва “Асшифо” ООҚ ни анъанавий терапия билан интеграциялаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.